



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 12 январ, жума № 7 (1021)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ - УСТУВОР ВАЗИФА

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишда Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодий комплекснинг масъулияти катта. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро ўзаро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 11 январ кuni бўлиб ўтган йиғилишида асосий эътибор мазкур комплекс ишини аниқ мақсадларга йўналтириш ва самарадорлигини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларга қаратилди. Кенгаш мажлисида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида кейинги йилларда мамлакатимизда макроиктисодий ва молиявий барқарорликка эришилгани, халқ ҳўжалигида таркибий ўзгаришлар дастури ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани, нефт-газ, тоғ-кон, озик-овқат, энгил sanoat ва машинасозлик sanoatida ишлаб чиқаришни янгилаш ва техника қайта жиҳозлаш тадбирларни амалга оширилаётганини таъкидлади. «Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизни янада барқарор ва изчил ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор яратилмоқда», деди Ислом Каримов.

вазирлик, кўмита, концерн, компания ва идоралар ўртасида ишни ташкил этишда ўзаро ҳамжиҳатлик этишмаётганидан ташвиш билдирди. «Иқтисодиёт ривожини, унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилиши даркор», деди давлатимиз раҳбари. «Хар қандай тармок, ҳар қандай соҳа ўз натижалари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим».



Иқтисодий ривожланиш стратегиясини аниқлашда муҳим омил бўлган умумий молиявий баланс, тўлов баланси, миллий ҳисобот тизими ва бошқа баланслардан етарлича фойдаланилмапти. Ислом Каримов мазкур комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, аввало, дунё иқтисодиёти тараққиёти механизмида ҳамда йўналишларини пухта ўрганиб олишлари зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Жаҳон иқтисодиётининг асоси эса эркин бозор муносабатлари, эркин рақобатдир. Президент айтмоқчи «буш жойи йўқ дунё бозоридан» ўрин эгаллаш мушкулдан мушкул иш экани ҳам тушунарли ҳол. Шу боисдан дунё бозоридан ўзбекистоннинг ўзига ҳос ва ўзига мос ўринни мустаҳкам эгаллаши ҳақида ўйлаш керак. Шундагина, иқтисодиётимиз том маънода юксалади.

экологиясини ҳам, одамларимиз саломатлигини ҳам бузгани сир эмас. Бундай корхоналар табиий равишда бугун инкирозга дучор бўлаётди. Ислом Каримов бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун устувор бўлган йўналишларни яна бир қарра таъкидлаб ўтди. Макроиктисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятини ва валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириб бориш каби масалалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ, Фарход АРЗИЕВ, Ўза мухбирлари.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хўрматли мажлис қатнашчилари! Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг бугунги мажлиси кун тартибига ўта муҳим, менинг фикрим бўйича, принципиал аҳамиятга эга бўлган масала қўйилган.

Биз бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш жараёнида марказий идоралар ва бутун Умумиқтисодий комплекснинг роли ва унинг масъулияти ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиб олишимиз керак.

Билан қабул қилишга мажбур бўлдик. Бугун биз жаҳон иқтисодиёти билан тобора кўпроқ интеграциялашиб бормоқдамиз. Иқтисодиётимизда кўшма корхоналарнинг улуши, уларнинг мақсулоти ишлаб чиқаришдаги салмоғи тобора ортмоқда, хорижий капитал мамлакатимизда мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Бизга шерик бўлган мамлакатлар ва бизнинг бозоримизда фаолият кўрсатаётган чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорлигимиз ва кооперация алоқаларимиз йилдан йилга кучаймоқда.

Мамлакатимизнинг географик жиҳатдан ўзига ҳослиги, бой табиий ҳомаш, инсон ресурслари, демография ва интеллектуал салоҳиятларини инобатга олган ҳолда шундай мақсад қўйишга тўла асос бўлиши ҳеч қандай шубҳа тўғдирмайди, деб ўйлайман.

Тахлиллар Сирдарё вилоят автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшма кўмитасига ариза ва шикоятлар билан муурожаат қилувчилар сони анча кўпайганини кўрсатди. Бунинг сабаби нимада?

Кўмита раиси Муқимбой Солиев билан шикоят-аризалар мазмуни билан танишиб чиқдик. Уларнинг аксарияти «Сирдарёавтйўл» бирлашмаси ходимлари томонидан ёзилган. Улар қонун билан ҳимояланган ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилганлигидан норози бўлиб, қўлларига қалам олишган. Бирлашма тизимидаги корхоналарда амалга оширилган иш ўринларини фалати қисқартириш тадбири одамларда норозилик, раҳбарлар фаолиятдан қониқмаслик ҳиссини уйғотган. Хўш, «Сирдарёавтйўл»да нима бўлганди ўзи? Бу ҳақда батаф-

силроқ тўхталишни лозим топдик. Утган йилнинг 21 январда «Сирдарёавтйўл» бирлашмаси бошлиғи Назар Шосаидов туманлардаги йўл-қурилиш бошқармалари бошлиқларига 71-сонли хат йўллади. Унда йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларини молиялаштириш қийинлашганини боис, 2000 йил 1 февралдан ишчиларни 40-50 фоизга қисқартириш таклифи илгарги сурилади. Раҳбарнинг бу хати муаммолар гирдобиди қолган баъзи мутасаддиларга қўл келди. Гапнинг очиги, изланиш, интилиш, тадбиркорлик билан тармокчи ривожлантириш

МУАММОЛАР ОЛДИДА ЭСАНКИРАШ

каёқда-ю, бир силкиниб елкадан босиб турган оқдан халос бўлиш қаёқда. Боз устига, юқоридан таклиф ҳам бор. Шундан кейин энг шимариб ишга киришганлар кўп бўлди. Бобўвт туман йўл-қурилиш бошқармаси бошлиғи Ҳафиз Ҳамзаев 71-сонли хатни кўзларига суртди, десак муболага бўлмас. У барча қонунларни бир четга суриб қўйиб, фақат хатга ёпишди-қолди. 15 февралда йиғилиш чақириб тантанали нутқ ҳам сўзлади. Худди шу куни оз эмас, кўп эмас, ўн нафар кишининг «паттасини кўлмага тутқазди. Раҳбарнинг томдан тараша тушгандек бу қароридан қўпчилик ҳайратга тушганди. Эътироз билдирганларга 71-сонли хат рўқча қилинаверди.


Ийгирма йиллик умрим йўлларни тартибга солиш, уни сақлаш билан ўтди, - деб Ўза-диқубод йўл бўшқармасида бўшқарма раҳбари Ибрагимов. - Уша кун олти нафар фарзандим юзига қарай олмадим. Аввал оғохлантирилганимда ҳам бу зарбага руҳий тайёргарлик кўрган бўлардим. Бошлиқнинг бу қарори, очиги эсанкиратиб қўйди.

Тахрибаси, ҳалол хизмати, муқофоту рағбатлари ҳам инобатга олинмади. Хуллас, қисқаришга тушганларнинг барчаси муайян тахрибга эга, жамоага хизмати сингган кишилар эди. Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари ўйламай босилган бу қадамдан ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишини ўқиб

Конституция озод Ватанимизнинг демократик тизим тавсифи, ифодасигина бўлиб қолмай, балки уни гуллаб-яшнатиш йўлидаги вазифаларни ҳам ақс эттирувчи дастур ҳамдир. Уни чуқур билиш, талабларига риоя этиш мамлакатимизни бошқа илгор давлатлар қаторида тенг ривожланиши гаровидир. Конституция моҳиятини билмаган одам эса маънавий қашшоқдир.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ЮКСАК ДАҲИЯМИГА КУТАРАЙЛИК



Асосий Қонунимиз ҳуқуқий саводхонликнинг алифбосидир. Ҳар бир инсон унинг маъно-мазмунини чуқур англаши, тафаккурда уларга асосланган илос-эътиқодга эга бўлиши, ўз ҳаётида улардан ўринли фойдаланишга эришиши зарур. Бу ҳар бир фуқаронинг бошқарилар билан тенг ҳуқуқли, кам-кўстсиз ҳаёт кеचиршига имкон яратади. Конституцияни ўрганишни кенг йўлга қўйиш учун фикримизда даставвал ҳар бир фуқаро унга эга бўлиши, ҳар бир хонадонда у эъозланишини таъминлашдан бошлаш айна мудардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишидан иҳомланиб, бу борада бир қанча тақлифларни баён қилишга жазм қилдик.

заримда, ана шу Конституцияларнинг матни имкон қадар ўзбек тилида ҳам чоп қилинса, жуда ўринли бўлар эди. Ҳуқуқий саводхонлик даставвал болаларга мактабгача таълим-тарбия беришнинг энг муҳим узвий қисми ҳисобланмоғи ва жажжи авлод онгда Конституция тўғрисидаги билимларни шакллантириш ва Бахтимиз Қомусига, давлатимизнинг рамзлари бўлган Байроғимиз, Гербимиз ва Маънавий ҳўрмат, эъозини мустаҳкамлашдан иборат.

Биринчидан, мактабларнинг бошланғич синфларида таълим тарбия ишлари лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида олиб борилаётгани ҳолда Конституцияимизнинг матни фақат кирил ёзувида чоп этилмоқда. Ўқувчиларимизга бу айрим маънода қулайсизлик тўғдирмоқда.

Иккинчидан, умум таълим мактабларида дарслар фақат ўзбек тилида юртилмай, муҳим қисмида тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, корейс тилларида ўқишлар ташкил этилган. Улардаги ўқувчи-тилларга таржиҳи тилларга таржиҳи ма қилиниб, тақдим этилиши зарур бўлади.

Ишсизлик юзага келишига кимлар сабабчи?

бузилишини қўриб кўрмасликка олдирилди. Бирлашма корхоналарида йўл қўйилган қонун бўзилди ҳолларига кеч бўлса-да барҳам берилди, - дейди автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси М.Солиев. - Бироқ, бу — ишлар изга тушиб кетди, дегани эмасди. «Сирдарётранс» корхоналарида ойлик маошдан қарздорлик (ўтган йил декабр ҳолатига) 55.147.600 сўмини, «Сирдарёавтйўл»да эса 11.616.000 сўмини ташкил этади. Таассуфки, мутасадди раҳбарлар иш жойларини яхшилаш, меҳнат муҳофазасига эътиборни қучайтиришга панжа орасидан қараб келишмоқ-

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни, Тилармен бир йўли бузмоқ бузилгон рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мен хокий губор ўлдум, Тилармен, топмағайлар тўтиёлиғқа губоримни.

Шак эрмас партави тушгач уйи ҳам, рахти ҳам куймак, Чу гўристон гадоий сезмағай шамъи мазоримни.

Деманг, қай сори азм эттунг, манга йўқ ихтиёр, Қазо илкига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфарони юз, Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Дибрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат, Не тонг, бошим олиб кетсам, кўюб ёру дибримни.

Ёмон ҳолимга бағри оғриғай ҳар кимсакин кўргай, Бағир парголосидин қонга булгонгон узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен, эй соқий, Қадаҳқа захри қотил куй, дағи дафъ эт хуморимни.

Жаҳон таркин қилмай чунки тинмоқ мумкин эрматур, Навоий, қил мени озод ўртаб йўку боримни.

Бу ғазалда шоир ўзининг севимли қаҳрамони Мажнунга издшо. Чунки «ғавгойи жунунга мубтало» Мажнун «Жушумни жунун ели совурди», дея эътироф қилган. Гап шун-

даки, ғазалдаги лирик «мен»нинг ақли ҳуши ҳали «жунун ели»дан бутунлай соврилмаган. Унда ҳозирча «жунун водийсига» майл пайдо бўлган. Унинг «Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни», деган сўзларни тинглаб, мойиллик сабабини ҳам дарҳол англаймиз. Демак, бу — жоннинг зориқшидан туғилган истакдир. Иккинчи сатр зорлик шиддатига тоқат қила олмаслик даражасига етган ошиқнинг тилагини ифодалайди: **«Жунун водийсига мойил...»**

Бузилгани яна бузмоқдан не самара? «Бузилгон рўзгор»ни бир йўли тузмоқ мумкин эмасми? Йўқ, жунун маърифати бунга ўргатмайди.

«Жунун — мастликда ниҳоят, дарвишликда бидоят эрур. Жунун шундай оғоҳликдурки, унда киши ўзлигидан беҳабар бўлмоғи керак», дейди Саййид Жаъфар Сажжодий. Жунун — тасаввуфда ваҳдат майдан мастликнинг ниҳояти. Навоий назарда тутган «жунун водийси», бизнингча, дарвешликка дахлдордир. Чунки ғазалнинг биринчи байтида ўзликдан кечмоқ ниёти таъкидланган, холос.

Фалак бедодидин гарчи мен хокий губор ўлдум, Тилармен, топмағайлар тўтиёлиғқа губоримни.

Бу мисраларни шоир Эркин Воҳидов бундай шарҳлайди: «Яъни, золим одамлар мени тирикчилигимда ҳўрладилар, қадримга етмадилар. Вақт келарки, менинг одамларга кўрғазган меҳру садоқатим, фидойилигим аён бўлар. Кишилар менинг қадримга етарлар, мазорим хокини кўзларига тўтиё қиларлар. Лекин тирикчилигимда бедодил қилганлар мен дунёдан ўтгач ўкинмоқлари бенаф, кўзларига тўтиё қилмоқ учун губоримни топмағайлар». «Фалак бедодидин»

шикоят, албатта, шундай мулоҳазаларни илгари суришга имкон беради. Бу фикрлар байтнинг зоҳирий мазмунига тегишли.

Фалакнинг зулму адолатсизлигидан жисми хоки губорга айланган шоир, «Тилармен, топмағайлар тўтиёлиғқа губоримни», дейди. Бу гаплар кимга қаратилган? Энг аввало, ишқ аҳлига.

Ҳамма бўлса-ю, сен бўлмасанг. Навоийнинг навбатдаги тилағи шу сўнги гойиблик, яъни ваҳдат вужуд билан тамоман бирлашмоқдир. Турк олими Иброҳим Чубукчи ёзади: «Ваҳдати вужуд назариясининг асосчиси Ибн Арабшардур. Унга кўра борлиқда Оллоҳдан ўзга ҳеч нарса йўқдир... сўнгсиз шаклларда тажалли эътадиган ёки кўринадиган ягона ҳақиқат — Оллоҳ бор. Бу Ҳақиқатни майдонга келтирган ёҳуд яратган бирор сабаб бўлмаганидек, унинг аксидан бошқа зуҳурланмиш нарса ҳам йўқ». Тасаввуфда илоҳий жамол тимсоли — Нур. Агар Худо ўз аксини кўрсатса — олам нур ва ёруғликка чулғанади. Навоий бу Нурнинг оламшумул қудратини улуғлаб дейди:

Шак эрмас партави тушгач уйи ҳам, рахти ҳам куймак, Чу гўристон гадоий сезмағай шамъи мазоримни.



Абул Ҳасан Харақоний «Нур улум»да ишқ туғайли гойиб ўлмоқни учга ажратади: аввалгиси, ўзингни англасанг, Худо ҳам сени билса ва кишиларни сийрақ кўрсанг. Иккинчиси — сен бўлсанг маъшўқ бўлса. Учинчиси —

Олмалик шаҳридаги Кимёгар маданият саройида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

«Ташкентсавдо» акционерлик уюшмаси ташкил этган танловда қўли гул пазандлар, қандолатпазу ошпазлар, ширинсўз, бир-бирдан гўзал сотувчилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Суратларда: Кўрик-танловдан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Америкадаги электрон-ҳисоблаш техникаси марказида босма матни овоз чиқариб ўқийдиган кичик-роқ курилма яратилди. У кўриш қобилиятини йўқотган кишиларга мўлжалланган бўлиб, китоб, газета ва журналларнинг **КОМПЬЮТЕР ЁРДАМИДА** босма матнини овоз чиқариб ўқийди. Бу аппарат оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланди. У шахсий фойдаланишдан ташқари, кутубхоналарда ҳам кенг қўлланилмоқда. Курилмани ишлаш аниқ қўлай — махсус панелга босма матн қўйилади ва машина бир оз у билан «танишиш» чиқади. Сўнгра ҳеч қандай тўтилмасдан фақат синтактик паузаларгагина тўхталиб, матни ўқий бошлайди.

Акбар АЛИЕВ.

«Шамъи мазор» — жаҳондаги барча нарсани ўтга гарқ этувчи самовий порлоқликка нисбатан кичик бир ёруғлик рамзи. Бироқ, инсон руҳи «шамъи мазор»га қиёсланадиган бўлса, унинг шуъласи Ҳақ нурига сингиб кетишга қодир. «Гўристон гадоий» — умумлашма образ. Шоир унда инони ихтиёрини «қазо илкига» топшириш сирларидан беҳабар гофилларга муносабатини изҳор қилган. У дашт фанога равона бўлишни кўзлагани учун ҳам ихтиёрсиз. Кейинги уч байтда «ўлим»га ризолик сабаблари шарҳланади. «Ашки губор»нинг тугаши, «заъфарони юз» билангина қолгани — булар ҳақиқий ошиққа хос камолот белгилари. Бу ҳолатга эришган кишига фалак зулм ўтказиши, аҳли дийёр ганимлик назари билан қарашни табиий. Мажнун қисматини хо-

тирланг. Уни ким тушунди? Деярли ҳеч ким. Фалак одамлардаги гумроҳликни авж олдирмаганида Мажнун дашту саҳроларга бош олиб чиқиб кетармиди? Қаттол фалак ҳамша кўнглида «руҳий кудси» назул қилган ошиқларнинг «хазон бирла баҳорини» беҳато ажратиб берган. Улар гўёки хазон фарзандлари. Хазон япроғи янгли сарсон-саргардонлик учун дунёга келгандай. Шоир ёмон ҳоли, тилинган бағир қонига беланган юзини кўрган кишининг кўнгли оғришини эътироф этсада, барибир ёру дийёрдан қочишга қатъий аҳд қилади:

Дибрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат, Не тонг, бошим олиб кетсам, кўюб ёру дибримни.

Қисмат майи аччиқ ва тахир, деган гап бор. Бу бода соҳий азал — Худо томонидан ато этилади. Шунинг учун Навоий ўша соқийга мурожаат қилиб, тақдир қадаҳига «захри қотил куй», яна хуморимни таркат дейди:

Ҳаётим бодасидин саргаронмен, эй соқий, Қадаҳқа захри қотил куй, дағи дафъ эт хуморимни.

Навоийнинг нуқтаи назарида дунёдан кечиш — «захри қотил» ичиб кун кечиришдай гап. Бу аччиқ захри сипқормағунча, жаҳонни тарк этиб бўлмайди. Тарки жаҳон қилмағунча, тиним ва хотиржамлик, қаноат ва дарвешликка эришиш мумкин эмас.

Жаҳон таркин қилмай чунки тинмоқ мумкин эрматур, Навоий, қил мени озод ўртаб йўку боримни.

Охирги сатрда ийҳом санъати ишлатилган. Уни «Йўку боримни ўртайдиган бир наво қилгили, мен бутунлай озод бўлай», маъносига англаша ҳам бўлади. Бу кўйнинг ижрочиси Худодир. Бу илоҳий наво инсон Рўҳини ҳақиқий озодлик марқомига кўтаради. Худди шу наво ишқ аҳлини жунун водийсига чорлайди:

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни...

Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори.

Жума ўғити

Хусайн Воиз КОШИФЙ САВДО-СОТИҚ ОДОБИ

Агар нарса сотишнинг одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгил. Биринчидан шуки, харидорга мулойим гаплар гапирсин, иккинчидан, харидор қаердан топилса ҳам қизганмасин ва дағаллик қилмасин, учинчидан, сотадиган нарсасини ҳадеб мақтамасин, тўртинчидан, дағал ва қалбаки молни сотмасин, агар сотадиган бўлса, айбини харидорга айтсин. Бешинчидан, тарозидан, ўлчовдан уриб қолмасин. Олтинчидан, агар харидор олган нарсасини қайтариб олиб келса ва молга зарар етмаган бўлса, савдо байини бузиб, жарима ундириб олсин. Еттинчидан, агар бирор мўътабар одамнинг нақд пули етмай, нарсани унга зарур бўлиб қолса, насяга молини берсин ва қўполлик қилмасин. Саккизинчидан, бозор талабидан ошириб сотмасин, харидорни алдамасин.

Агар нарса сотиб олишнинг одоби нечта, деб сўрасалар, ўн иккита деб айтгил: биринчидан, молни ҳалол пулга сотиб олсин. Иккинчидан, қалбаки ва сохта пул бермасин. Учинчидан, бозор нарҳидан камга олмасин... Тўртинчидан, сотувчиға қўпол муомала қилмасин. Бешинчидан, сотувчидан молни қаердан келтирдиган, қанчага, нимага сотиб олдинг деб сўраб, овора қилмасин. Олтинчидан, сотиб олган нарсаси юзидан ҳадялар берсин. Еттинчидан, сотиб олган нарсасини қайтариб сотувчиға бермасин. Саккизинчидан, сотиб олган нарсасини эътигага солмасин. Тўққизинчидан, сотиб олган нарсани енгига жойламасин. Ўнинчидан, сотувчидан музқоса (қоса пули) талаб қилмасин. Ўн биринчидан, сотиб олган нарсани тоза идишга солиб олсин. Ўн иккинчидан, харид қилинган нарсани очик ҳолда эмас, ўраб, беркитиб олиб юрсин.

Форс-тожик тилидан Н.КОМИЛОВ таржимаси.

Хар йили ўтказилаётган жаҳон биринчиликлари сўнги босқичида минтақа турнирларининг голиблари ва рейтинг даражаси энг юқори гросмейстерлардан юз нафари иштирок этмоқда. Улар бир неча турдан иборат саралаш баҳсларидан сўнг тождорни аниқламоқда. Уйинлар олимпия усулида, яъни ютказган чиқиб кетадиган усулда бўлади. Ўзбекистон вакиллари — Александр Ненашев 1997 йилги, Рустам Қосимжонов эса 1999 ва 2000 йилги саралаш уйинларида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Кези келганда кўп сонли муҳлисларни баъзи нарсалардан хабардор қилиб қўйсақ чакки бўлмас.

Жаҳон биринчиликларининг янги усулини тақлиф этган ва амалиётга киритган киши — Кирсан Илюмжинов. Ававал бизнес оламида биринчи тартиб, сўнгра Қалмиқистон Республикаси Президентлигига кўтарилган бу сарғайрат йигит шоҳматчиларга ҳам ҳомийлик қила бошлагач, ФИДЕ конгресси 90-йиллар бошида уни халқаро шоҳмат федерациясига ҳам президент этиб сайлаган эди.

Жаҳоннинг етук шоҳматчилари ҳам бошқалардан кам яшамасликлари керак, — деган эди ушунда янги президент. Шундан кейинги жаҳон биринчиликларининг 100 нафар иштирокчиси муайян гонорар билан тақдирланиши, финал иштирокчиларига эса 2 миллион АҚШ доллари миқдорда мукофот фонди берилиши низомад мустаҳкамлаб қўйилди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Навбатдаги жаҳон шоҳмат олимпиадаси 1998 йили Қалмиқистон пойтахти — Элиста шаҳрида ўтказилиши муносабати билан К. Илюмжинов сазй-харакатлари ёрдамида биринчи марта бу шаҳарда шоҳматчилар кишлоғи барпо этилди. Эндиликда ўша кotteжларда жаҳон чемпионлари, масалан, В.Смислов, Р.Фишер ва бошқалар истиқомат қилиши, вақти-вақти билан дам олишлари

АНАНДМИ ЁКИ КРАМНИК?

ри учун барча шароитлар мавжуд.

Дарвоқе, аини вақтда шоҳматчи қизлар ўртасида команда биринчилигини қўлга киритган — Олимпия голиблари хитойлик «сехрли уйин» маликалариға эҳтиром маъносига мамлакатнинг сўлим масканларидан бирида шоҳматчилар шаҳри барпо этилмоқда. Бунгача Нона Гап-риндашвили жаҳон шоҳмат маликаси бўлганлиғи шарофати билан Тбилисида, бир қанча гросмейстерлар этиштириб берган деган эди ушунда янги президент. Шундан кейинги жаҳон биринчиликларининг 100 нафар иштирокчиси муайян гонорар билан тақдирланиши, финал иштирокчиларига эса 2 миллион АҚШ доллари миқдорда мукофот фонди берилиши низомад мустаҳкамлаб қўйилди.

ФИДЕ мақомидаги жаҳон биринчилиғи яқинда ниҳоясига етди. Жаҳоннинг энг кучли 100 нафар шоҳматчиси Ҳиндистонга тўпланиб, бир неча бос-


қичда баҳс юритдилар. Ўтган йилги тождор Александр Халифман, АҚШлик Борис Гулько ва бошқа бир қанча гросмейстерлар «гал-вирдан ўтиб» қайтишди. Ниҳоят, янги фармонбардорни аниқловчи финал матчиға машҳур Ҳиндистонлик Вишванадхон Ананд билан испаниялик Алексей Широв йўлланма олдилар. Чемпионат низомига кўра якунловчи баҳс Эрон пойтахти Тёхронда ўтказилди.

Мамажон МУХИТДИНОВ

га 3,5:0,5 га етгач, баҳс тўхтатилди. Низома кўра олти марта ўрнига тўрт ўйиндаёқ белгиланган марра забт этилди. В.Ананд жаҳоннинг 15-чемпиони бўлди. Шундай қилиб жаҳон чемпионлиғи шоҳматнинг илк Ватани бўлмиш Ҳиндистон фуқароси 31 ёшли гросмейстер В.Анандга насиб этди. У бу унвонга уч йил муқаддам жуда яқинлашиб қолган эди. Бироқ финал матчиғача беш нафар шоҳмат устасини мағлуб этиш йўлида чарчаганлиғи туфайли қўшимча тезкор шоҳматда имкониятни бой бериб қўйган эди. Мана энди... Бугун шоҳмат оламида қўш ҳокимиятчилик. У икки ёш забардаст гросмейстер қўлида. Улардан қайси бири зўрроқ эканлиғини фақат ўзаро баҳс аниқлаб бериши мумкин. Бир вақтлар Ананд иккаласини ўзим бирлаштириш раман деб ваъда берган бўлса-да, у шу кунга қадар амалга ошмай келарди.

Борди-ю Ананд — Крамник матчи ўтказилишига имкон топилса, бундан ҳамма ютарди. Зеро, шоҳмат оламида битта қирол бўлгани маъқул-да!

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР
Оқлар бошлайди ва галаба қозонади.



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақсалими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 00.40